# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 66 (9.716) 2002 йил 7 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, БУГУН САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

**КЕЧА** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ УШБУ САММИТДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИГА ЕТИБ КЕЛДИ.

БУ ГАЛГИ САММИТДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР, АЪЗО ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАТОР ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман иштирокчиларига табрикнома йўллади. Халқаро илмий-назарий анжуман иштирокчиларига Юртбошимизнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

● Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ўтказилган «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро симпозиум ўз ишини ниҳоясига етказди. Симпозиум қатнашчилари мулоқот учун яратилган барча шароитлар, катта эътибор учун Ўзбекистон раҳбарига, Ўзбекистон халқига миннатдорлик мурожаатини йўлладилар.

● 2002 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жаҳон банки Президенти Джеймс Вулфенсон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот давомида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Джеймс Вулфенсоннинг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳамда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш чоралари хусусида фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатга ғалла топшириш шартномавий режаларини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган Қизириқ ва Жарқўрғон тумани ғаллакорларига табрикнома йўллади.

● Япония фуқаро авиацияси бюроси бош директорининг ўринбосари Косуке Шибата Ўзбекистонга келди. Маълумки, ҳозирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳафтада икки марта Осака шаҳрига қатновларни амалга оширмоқда. Учрашув пайтида янги Тошкент - Токио - Осака - Тошкент қатновига рухсат этилди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Жаҳон атроф- муҳитни муҳофаза қилиш куни ва «Экосан» халқаро жамғармасининг ўн йиллигига бағишланган экофестиваль ўтказилди.

● **Кеча** Наманганда геронтология маркази очилди.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво бироз булутланиб турди, ёғингарчилик бўлмади. Ҳаво ҳарорати кундузи 35-37 даража иссиқ бўлди.

### Жаҳонда

● **Кеча** Россия Федерацияси Давлат думасининг депутатлари биринчи ўқишда «Экстремистик фаолиятга қарши ҳаракат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилдилар.

● Исломободда АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Ричард Армитеж билан Покистон Президенти Парвез Машарраф ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Америкалик дипломат Покистон ташқи ишлар вазири Абдул Саттор билан ҳам учрашди. Ҳар иккала учрашувда Покистоннинг Ҳиндистон билан муносабатларидаги можароли вазият хусусидаги масала муҳокама қилинди.

● Афғонистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия тузиладиган бўлди. Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раҳбари Ҳамид Карзай ана шу ҳақдаги фармойишга имзо чекди.

● Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагути Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин миллий маъмуриятининг раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиш ниятида эканлигини маълум қилган. **Эртага** Йорико Кавагути Тель-Авив ва Рамаллоҳда Яқин Шарқ можароларини бартараф этиш бўйича музокаралар олиб боришни режалаштирган.

● **Кеча** Россияда Чайковский номидаги XII Халқаро мусиқий танлов очилди.

---

*Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.*

**Ислом КАРИМОВ**

## ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК — БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида «Жамиятда диннинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Самарқанд жамоатчилиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари ҳамда вилоятда фаолият кўрсатаётган турли конфессия раҳбар ва вакиллари қатнашдилар.

Самимий мулоқот тарзида ўтган йиғилишда республикада миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда эгилмайдиган бўлиб улғаяди», деган сўзларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари тарихимизнинг барча даврларида дин доимо одамларда яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонлардан халос бўлишга чорлаганлигини таъкидлаб, диний экстремизм ва терроризмнинг юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳақиқий динга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, сиёсий мақсадларга эришиш учун диний зўравонликдан восита сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов бугунги кунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирларига нисбатан ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан эканини кўрсатиб ўтдилар.

Давра суҳбатида соҳа бўйича кўтарилган муаммоларнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий-маънавий жиҳатлари кўриб чиқилди ва уларнинг ечими юзасидан тегишли тавсия ва амалий таклифлар қабул қилинди. (ЎзА).



***Шаҳримиздаги «Анат» қўшма корхонасида айни кунларда янги ичимлик турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, улар тошкентликларга манзур бўлмоқда.***

***СУРАТДА: қўшма корхона қуйиш линиясининг операторлари Зиёдулла Жўраев ва Ўроз Бойжумановлар иш устида.***

***Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.***

**☑ «ТОШКЕНТ ОУПЕН-2002»**

## Саралаш мусобақалари бошланади

**Шаҳримизда бўлиб ўтадиган анъанавий улкан теннис байрами тобора яқинлашмоқда.**

**БУГУН**

Тошкент теннис марказида саралаш мусобақаларида иштирок этувчи спортчилар рўйхатга олиниб, қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.

**ЭРТАГА**

эрталабдан 32 нафар саралаш мусобақалари қатнашчилари асосий сеткадан ўрин олиш учун баҳсларни бошлаб юборишади. Шу куни WTA Tour вакиллари, «Тошкент оупен-2002» турнири ташкилотчилари ва энг кучли қатнашчилари ҳамда журналистлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилади. Шунингдек, асосий сетка иштирокчилари учун қуръа ташланади.

Саралаш турнири 10 июнь тушга қадар давом этганидан сўнг, улар орасидан кучлилар сафида қатнашадиган теннисчилар саралаб олинади.

10 июнда турнирнинг тантанали очилиш маросими ўтказилганидан сўнг асосий сетканинг дастлабки беллашувлари бошланади.

Бу гал ҳам турнирда аёллар теннисининг энг кучли вакиллари қатнашуви кутилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз).**

---

ФУТБОЛ

## Кучлар тенг келмоқда

**КЕЧА**

жаҳон чемпионатининг навбатдаги ўйинида яшил майдонда Камерун терма жамоасига қарши тўп сурган Саудия Арабистони футболчиларини таниб бўлмай қолди. Астойдил ғалаба қозониш иштиёқида беллашган араблар рақиб дарвозаси олдида кўп марта хавфли вазиятларни содир этишди. Фақат омад улардан юз ўгирди, холос. Африкаликларнинг моҳир ҳужумчиси Это томонидан йўлланган гол эса камерунликларга ғалаба келтирди. Айнан шу гуруҳдаги Дания — Сенегал беллашуви кескин курашларга бой тарзда ўтди. Ва ўйин 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Жаҳон чемпиони Франция термаси Уругвайга қарши ўйнаб 0:0 ҳисобидаги нурсиз дуранггa эришди ҳамда муҳим очколардан маҳрум бўлди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

КУРАШ

## Миллий спорт туримиз — барча қитъаларда!

**Шу пайтгача ўзбек кураши Океаниядан ташқари барча қитъаларда ўз конфедерацияларига эга бўлиб, жойларда турли мусобақалар ўтказилиб келинаётганди.**

Куни кеча Халқаро кураш ассоциациясига Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида истиқомат қилувчи спорт мутахассиси Йохан Бошофдан мактуб келди.

Бошоф Океания қитъасида кураш конфедерациясини ташкил этиш саъй-ҳаракатларини бошлаганлигини маълум қилиб, ўз мамлакатидан ташқари қитъанинг бошқа давлатларида ҳам ўзбек курашини тарғиб қилиш ниятида эканлигини билдирган.

Бу демак Европа, Осиё, Африка ва Пан Америка қитъаларида кенг ривожланаётган миллий спорт туримиз курраи заминнинг охирги қитъасини ҳам «забт» этмоқда.

Океания қитъасининг илк вакили бўлмиш Янги Зеландия курашчилари шу йили кузда Арманистонда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида ўз кучларини синаб кўрадилар.

**(Ўз мухбиримиз).**

---

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва мулкчиликнинг хусусий шаклига асосланган кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш, юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турларининг илова қилинаётган рўйхати тасдиқлансин.

Белгилансинки, илова қилинаётган рўйхатга кирмаган ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятининг қолган барча турлари билан жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув маҳаллий органлари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий риоя қилиниши ҳамда назорат қилувчи ва бошқа давлат органларининг тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги, хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 июнь.

---

***Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги қарорига илова***

**Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари**

**РЎЙХАТИ**

**Т/р Фаолият турининг номи**

*1. Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш*

*2. Муҳр ва штамплар тайёрлаш*

*3. Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш*

*4. Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш*

*5. Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш*

*6. Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш*

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси

# Камолот

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

## Хайрли мақсад йўлида

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари олдига улкан вазифалар қўйилган. Ана шу вазифаларни амалга ошириш борасида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимларида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз ана шундай савол билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Феруз Каримовга мурожаат қилдик.**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин тез кунда ўз мавқеи, овозига эга бўлиб бормоқда. Бизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўлими Кенгаши 2001 йил май ойида ташкил топди ва октябрь ойида туман кенгаши ҳамийлигидаги Болалар ташкилоти иш бошлади.

Ташкилотимизнинг асосий мақсади ёшларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш, уларни бирлаштириш, ватанпарварлик, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, суянчиқ бўлишдир. Ҳозирги кунда туманда жойлашган барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани бўлими Кенгашининг бошланғич ташкилотлари тузилган ва у ерда етакчилар фаолият олиб бормоқдалар.

**— Кейинги пайтларда туман Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Биз ёшларни Конституция, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳурматлаш ҳамда уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларига кўмаклашиш ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик, қонунбузарлик ва гиёвандликнинг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказдик. Ю. Гагарин номли кинотеатрда жиноятчилик, қонунбузарлик ва гиёвандликка қарши видеофильмлар намойиш этилди. Туманда жойлашган барча ҳарбий қисмларда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Булардан ташқари ташкилотимиз барча байрамларда, шанбалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. «Олмазор» маҳалласида болалар учун ўйингоҳ, спорт майдончаси ҳашар йўли билан таъмирланди. Олимпия заҳиралари коллежида футбол бўйича «Камолот» ЁИҲ кубоги ташкил этилди, «Касбим менинг — фахрим менинг» кўрик-танлови ўтказилди. Ёшларнинг тўла қўллаб-қувватлаши остидаги барча тадбирлар, амалга оширилаётган юмушлар туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар бошқармаси, туман халқ таълими ва туман хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда ўтказилмоқда.

**— Қарияларни қадрлаш йилида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Азал-азалдан халқимизда кекса, табаррук инсонларга ҳурмат-эътибор кўрсатиб келинган. Президентимиз томонидан 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши эса кекса авлод вакилларига янада кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш лозимлигини билдиради. Биз ҳам ўз фаолиятимиз давомида ёлғиз, қаровсиз қолган, ўзгалар парваришига муҳтож қарияларга ўқувчи ёшларни бириктириб қўйиш ва уларга ҳамиша амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Тумандаги 100 ёшдан ошган 8 нафар қарияларга эса байрамларда қутлуғ кунларда совға-салом билан йўқлаш вазифамизга айланган. Катталарга, табаррук кексаларимизга ҳурмат-эҳтиромни фақат Қарияларни қадрлаш йилида эмас, ҳамма вақт кўрсатамиз.

**— Келгусидаги режалар қандай?**

— Келгусига белгиланган режаларимиз бисёр. Бирдан-бир ниятимиз ёшларнинг ҳақиқий кўмакчиси ва ҳамкорига айланиш. Кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ёшларнинг саводхонлигини, билимини ошириш мақсадида ташкил қилинган «Ёш келажак» шўъба корхонаси (ўқув курси) фаолиятини янада яхшироқ йўлга қўйиш, туманимизда жойлашган корхона, ташкилотлар билан ўзаро қўллаб-қувватлаш бўйича шартномалар тузиш ва бошқалар.

Туманнинг оловқалб ёшлари улкан ва эзгу ишларни олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Мақсадга эса фақат меҳнат ва олға интилиш орқалигина эришилади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.**



*Озод юрт фарзандлари.*

ФИКРЛАР ЧОРРАҲАСИДА

## *Ижтимоий ҳаракатнинг ҳаётимиздаги ўрни*

**Маълумки, ҳозирги кунда ёшлар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва тўғри йўлга бошлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашишларини таъминлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни каттадир. Олий ўқув юртлари, техникум, коллеж, лицей ва мактабларда уларнинг бошланғич ташкилотлари муваффақият билан иш олиб бормоқда. Биз бир гуруҳ талабалар билан суҳбатда бўлиб, «Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракатининг фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрадик.**

**Феруза УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Юридик коллежининг I курс талабаси:**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Фақат тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир талабанинг муаммоси адолатли ҳал этилиши керак, шундагина у ёшларнинг ҳақиқий ташкилотига айланади, ҳар ким ўз дардини истиҳоласиз айта олади, унга ишонади.

**Наргиза ТЎХЛИЕВА,**
**Тошкент давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг I курс талабаси:**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати оз фурсатда оммалашиб кетди. Бунга сабаб ушбу ташкилотнинг юксак чўққилар сари талпинаётган иқтидорли ёшларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бераётганидир. Мен бир таклифни киритмоқчи эдимки, муайян бир илм билан шуғулланиб келаётган иқтидорли, қобилиятли ёшлар учун бирор эсдалик нишони тасис қилинса, ана ўшанда қобилияти, иқтидори рағбатлантирилган ёшлар мамлакат тараққиёти йўлида янада фаолроқ бўладилар деб ўйлайман.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг I курс талабаси:**

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзининг фаолият дастурини қабул қилиш жараёнида ҳам бевосита ёшларни жалб этди. Бу ёшларга бўлган янгича муносабатнинг асосий белгиларидан бири эди. Айниқса «Камолот» жойлардаги ёшларни ҳаётга йўналтириш борасида анча ишларни амалга ошириши лозим деб ўйлайман.

**Ҳа, ҳар бир ёшнинг бу борада ўз фикр-мулоҳазаси бор. Ўйлаймизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги етакчилари талабалар билан янада яқиндан иш олиб боришлари лозим. Ахир ҳақиқат баҳс-мунозаралар, фикр-ўйлар натижасида қарор топади.**

**(Ўз мухбиримиз)**

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

## Ўзбек сайтларининг жонкуяри

Таълимнинг ўнта устувор, илмий-техник йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001-2002 ўқув йилидаги Давлат стипендиялари танловидаги 10 нафар ғолиб талабаларнинг бири — Тошкент Давлат техника университетининг «Компьютер технологияси» факультетининг талабаси Козимбек Ғофуровдир. У аъло ўқийди. Хушхулқ. Чет тилларини яхши билишидан ташқари ўзи танлаган илмий-техник йўналиши бўйича долзарб мавзуда амалий натижаларга эришмоқда.

Козимбекнинг танловга тақдим этган «Internet тармоғидан фойдаланиш имкониятлари», «Ташқи фойдаланувчининг Internet ҳақидаги мулоҳазалари», «Internet тармоғида қидирув», «Кафенинг интернетга нима алоқаси бор» каби мақолалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида «Мультимедия иловаларини ривожлантириш» дастури бўйича ўқиган Козимбек Ғофуров Ўзбекистон Республикаси мультимедия иловаларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси», «Ўзбекистон Республикаси «Устоз» фонди», «Халқаро терроризм: тушунча ва тарих», «Инсон ҳуқуқлари», «Миллатлараро тотувлик», «Динлараро. бағрикенглик», «Юрт тинчлиги», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Амир Темур» тақдимот лазер дискларининг дизайнеридир. 2000 йил 10 майда Очиқ Жамият Институти ва IPEX ташкилотлари томонидан ўтказилган «Electronic Publishing and Communications Trainers program» электрон нашр ва глобал коммуникация тармоғи тренерларининг илмий анжуманида қатнашиб, бир қатор ўзбек WEB сайтларининг дизайнери сифатида ўзини кўрсатди.

Ўйлаймизки, ана шундай ғайратли, замонавий билим, технологияларни эгаллаган ёшларимиз юртимизнинг буюк келажагини қуришда асосий таянч бўлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

ТАДБИРЛАР

## *«Оғусиз дунё — ёшларга зиё»*

**Ушбу мавзудаги илмий-амалий анжуман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани бўлими кенгаши томонидан ўтказилди.**

Унда «Кундала» тиббий маркази, туман прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамда 30 та мактабнинг ўқитувчи ва фаол ўқувчилари иштирок этишди. Муҳокама этилган мавзу XXI аср вабосига айланган гиёвандликка бағишланиб, унинг инсониятга солаётган хавфи, айниқса шу йўлга кириб кетаётганларнинг айримларини 9-19 ёшли ўсмирлар ташкил этиши, лоқайдлик жуда катта офатларга олиб келиши ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилди.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, фарзандларимизга дуч келган жойда, дискотекада, кўча-кўйда ҳам гиёвандлик моддаларини тавсия қилишлари мумкин. Энг ачинарлиси шундаки, айрим ёшлар бунга «мода» сифатида қараб, ўзларини «оқ ажал»-га дучор қилишяпти. Биз ушбу ҳолни пайқаганимизданоқ, дарҳол ишга киришишимиз лозим, уларга танбеҳ бериш ўрнига, ёрдамимизни аямаслигимиз даркор. Айни пайтда улар ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътиборга муҳтож бўладилар. Келинг, бу муаммога жиддий эътибор берайлик, — деди тадбирда сўзга чиққан «Кундала» тиббий маркази психологи Дилдора Муҳаммадраҳимова.

— Бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилиши фақат ижобий натижалар беришига ишончимиз комил, — деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Камолиддин Бердиев. — Ёшларни она Ватанга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш асосий мақсадимиздир.

Жиноятчилик, қонунбузарлик ва гиёвандликка қарши ўтказилган ушбу тадбир, унда намойиш қилинган видеофильмлар барчага маъқул бўлди, ёшларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундади.

**Мунира ВАЛИЕВА,**
**Тошкент давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети II-курс талабаси.**

# Сўранг, жавоб берамиз



***Қайнотамнинг номларида хусусий автомашина бор эди. Яқинда қайнотам вафот этдилар. Энди ушбу автомашинани қайнонам ўз номларига ўтказмоқчи бўляптилар. Айтингчи буни амалга ошириш учун ҳар бир фарзанднинг розилиги керакми? Ёки (биз тўрт фарзандмиз) биронта фарзанди келмай қолса ҳам нотариус томонидан машина қонунан қайнонам номларига ўтказиб юборилаверадими?***

*М.Ашурова*

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросни қабул қилиб олган меросхўрларга қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар уни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан шундай меросхўрлар қаторига киритилиши мумкин. Бу розилик меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилгунга қадар ёзма равишда билдирилиши керак. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

* * *

***Қўшним билан арзимаган гап учун уришиб қолдим. У мени судга берибди. Айтингчи, судга берилган аризани икки томон келишса қайтариб олиш мумкинми?***

*Ш.Умаров*

Агарда фуқаролар фуқаролик ишлари судда кўрилаётган вақтда низоли томонлар ўзаро келишувга келишса бу ҳолатда суд томонларнинг ёзма аризаларига кўра иш юритувини тўхтатиши мумкин.

* * *

***Келиним икки йил аввал ўғлим билан уришиб кетиб қолган ва судда бу иш кўрилиб улар ажрашиб кетишган эди. Энди эса келиним уй-жой даъвоси билан яна судга чақиряпти. Менинг унга қарши даъво аризаси беришга ҳаққим борми? Мен ариза берсам иш бошқатдан кўриладими?***

*Ш.Ризаева.*

Бир низо бўйича фуқаролик судига даъво аризаси берилган бўлса, шу фуқаронинг иши бўйича сиз қарши даъво аризаси беришингиз мумкин, судда иккала ариза ҳам бир вақтда кўрилади.

* * *

***Менинг иккита фарзандим бор. Оилали, ишлайди, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Лекин, биз ота-онасига ҳеч қандай ёрдам бермайди. Айтингчи, қонунларимизда мана шундай фарзандлар учун ҳам бирон нарса дейилганми?***

*Ҳ.Бегматов.*

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она, алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъий назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

* * *

***Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Шундай пайтлар бўладики зумда пайдо бўлган бахтсизлик туфайли шифокорлар келгунча ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмай жонинг ҳалак бўлади. Масалан, тўсатдан куйиб қолганда биринчи қандай ёрдам кўрсатилиши керак. Илтимос, шу ҳақда маълумот беринг.***

*Ш.Худоёрова.*

Дастлаб бадан куйиши омилини бартараф қилиш лозим. Кийим куяётган бўлса гавдага юпқа кўрпа ёки пальто ёпиб баданга босиш керак. Кимёвий моддалар куйдираётган бўлса, уларни бадандан тезда ювиб ташлаш керак. Кислота ва ишқорлар жуда кўп сув қуйиб туриб ювилади.

Бадан куйишининг 4 даражаси бор. Биринчи даражали куйишда тери қизаради, безиллаб туради. Баданда махсус шикастлар бўлмаса, куйган жойга спирт, арoқ, одеколон ёки тўқ бинафша ранг калий пермангамент босиш ва боғлаб қўйиш тавсия этилади.

Иккинчи даражали куйишда баданда суюқлик билан тўла пуфакчалар ҳосил бўлади. Пуфакчаларни ўзингиз ёрманг, микроблар тушиб, йиринг бойлаши мумкин. Бундай ҳолларда беморни касалхонага олиб боришдан олдин материал ёпиб қўя қолган маъқул.

Учинчи ва тўртинчи даражали куйишларда терининг ўзигина эмас, балки ичкарироқдаги тўқималар ҳам куйиб, баъзан пишиб қолади. Бундай ҳолларда дарҳол врач чақириш ва беморни касалхонага ётқизиш лозим.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

---

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### «Наҳот қариндошингизни танимасангиз?»

Даврада суҳбат қизигандан қизиб борарди. Ҳар ким ўз таниш-билишининг кимлиги ҳақида, унинг меҳрибон дўстлиги, садоқати хусусида сўз юритарди. Давра тўрида ўтирган башанг кийиниб, бўйнига қизил галстук боғлаб олган олифтанамо бир йигит ўтирганлардан қайси бири мансабдор одам ҳақида гап очгудек бўлса, дарҳол унинг оғзидан сўзни олиб билағонлик қилиб кетарди.

— У одамни мен яхши танийман, эски қадрдонларимиздан. Тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз.

Гап тагини гап очар деганларидек яна биров:

— Мени Абдукарим деган қўшним бор. Хўп барака топадиган одам-да. Ўзи анча юқори лавозимда ишлайди-ю ўта камтарин. Ҳар куни уйига давлат машинаси олиб келиб, олиб кетади. Бир гап айтсангиз йўқ демайди, оғирингизни енгил қилишга ҳаракат қилади.

— Тўғри айтасиз, асл инсон-да Абдукарим ака. Яқинда бирга эдик. Бир шиша «оқ бўта»ни ўртага қўйиб роса отамлашдик, — дея яна ўз биларчилик қилди бояги йигит гапга аралашиб.

— Кечирасиз, биродар, сиз янглишяпсиз, чоғи. Ўн йилдан бери кузатаман, лекин қўшнимнинг бирор марта оғзига ичкилик олганини кўрмаганман.

— Ҳа, энди, юқори идораларда ишловчилар ҳар кимнинг олдида ёки истаган киши билан ичавермайди-да. Бизга ўхшаган қадрдонлар бўлса роса тортишади.

Шу топда менинг ҳам тилим қичиб қолди. Билағон йигитга ўчакишиб мансабдор бир дўстимнинг тарифини қила кетдим.

— Саидкамол акага етадигани йўқ. Бироз қариндошчилигимиз ҳам бор у одам билан. Ҳақиқатан мақтовга лойиқ. Лекин сиз билмайдиган бир кичик иллати ҳам йўқ эмас, — дея ҳиринглаб қўйди ўша йигит.

— Қандай камчилик экан? — савол ташлайман атайлаб унга.

— «Ўсма қўйганларни» жуда яхши кўради-да.

— Аёлларни яхши кўрса нимаси ёмон.

— Йўқ, тушунмадингиз. Мен интим маъносида гапиряпман.

Шундан кейин йигит Саидкамол ҳақида ўзича валдираб кетди.

Ҳизирни йўқласак бўларкан. Қарангки, шу топда мезбон даврага Саидкамолнинг ўзини бошлаб келиб қолса бўладими. У ҳамма билан бирма-бир сўрашиб менинг ёнимга келиб ўтирди. Мезбон янги меҳмонни ўтирганлар билан таништирди.

— Кечирасиз, — деди бояги билағон йигит менга мурожаат қилиб, — бу кишини танимайроқ турибман-да. Ўзлари қайси Саидкамол ака бўладилар.

— Наҳот танимаётган бўлсангиз, — дедим мен ҳам унга жавобан жилмайиб. — Ахир сиз айтаётган қариндошингиз Саидкамол ака шу киши бўладилар-да.

Мулзам бўлган йигит индамай қолди. Даврада кулгу кўтарилди.

### Ичкилик балоси

«Дард тортган яхши билгай дори-дармон қадрини» деганларидек касалхонага тушган одам борки, бир жойга тўпланишиб қолса, кўпроқ қайси дори қайси дардга даъволиги ҳақида сўз юритишади. Бирга шифохонада ётган суҳбатдошларимнинг ҳар кунги бўладиган шу хилдаги «эски оғиздаги янги гапидан» безор бўлиб, бу сафар улардан бироз нарироқдаги ўтирғичдан жой олдим.

Кўп ўтмай ёнимга жағи-боши аралаш қўшиб бойланган бир бемор келиб ўтирди. Танишиб ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Бироз ғамгин, бироз тунд ҳамроҳимни гапга солиш учун ундан бу ерга келиб қолиш сабабини сўраб-суриштирдим. Саволим малол келгандек у узоқ жим қолди. Сўнг кўзига ёш олди.

— Кечирасиз, бўтам. Сизнинг ярангизни тирнаб қўйдим шекилли? — дейман хижолат бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у кўз ёшларини артиб. — Агар мен ҳозир сизга тўсатдан жондан севган онажоним ва меҳрибон укажонимнинг қотилиман десам, биламан мен билан суҳбатни йиғиштириб қўясиз, тўғрими?

Ҳамроҳимнинг бу сўзидан сесканиб кетдим. Ўрнимдан туриб кетишни ўзимга эп билмай индамай унинг оғзига тикилдим.

— Ҳаммасига ичкилик сабаб, отахон, — дея сўз бошлади у. — Аслида машинани ичиб ҳайдаш одатим йўқ эди. Ўша куни тўйдан қайтаётган эдик. Нима фалокат босди билмайман. Тўйбошларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай кайф устида рулга ўтирдим. Ёнимда укам, орқа ўриндиқдан онажоним жой олдилар. Катта йўлдан бинойидек бораётган эдик. Хумор тутиб, сигарет чекким келди. Шундоқ чўнтагимдан сигарет чиқариб, уни тутатишим билан кўзимга тутуни қуюндек ёпирилди. Кўзимни артишга улгурмай машина бир нарсага зарб билан урилди. Бир зумда эс-ҳушимни йўқотдим. Нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам касалхонада ҳамма ёғим чандиб ташланган ҳолда ётибман.

Тепамда турган формали кишиларни кўриб аввал ҳайрон бўлдим. Терговчиларнинг сўраб суриштиришидан билсам, машина билан катта тезликда йўл юзидаги сим ёғочга бориб урилибман. Дарҳол онам билан укам ҳақида сўрадим. «Тузук», дейишди. Аниқ фожиани эртасига билдим. Ўша куни уларнинг ҳар иккаласи ҳам оламдан ўтган экан...

Суҳбатимиз шу ерда узилди. Йигитни ҳамширалар чақириб, палатага олиб кириб кетишди. Яна терговчилар келган экан.

Шу дамда хаёлимдан не фикрлар ўтмади дейсиз. Ич-ичимдан ичкиликни лаънатладим. Инсоннинг бошига ёғиладиган абри балоларнинг кўпчилиги шу иллат туфайли содир бўлаётганини ўйлаб ўйимга етолмай қолдим. Лекин барибир ичкилик бало деймиз-у, шу бало домига ўзимиз гирифтор бўлиб, осуда ҳаётимизни баъзан остин-устун бўлишига ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни туб-тубига яхши етолмаётганимиздан ўкиндим. Ўйлаб турсам чиндан ҳам мана шу ожизлигимиз бизга панд бераётган экан.

Бу ҳаётий воқеадан қандай хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

### Бир оғиз ширин сўз

Кўрган кечирганларимдан тажанг бўлиб уйда ўтирсам, кампирим:

— Ҳа, отаси, бугун бироз нохушроқ кўринасиз? — деб қолди.

Бир ўшқириб берай дедиму, ўзимни тутдим. Ростда, ахир бу бечорада нима айб.

— Ҳа, энди шундоқ. Гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд-да, онаси, — деб қўя қолдим тўнғиллаб.

— Ўзингизнинг қон босимингиз бўлса, ҳар нарсага тажанг бўлаверасизми? — деди у кейин қўлидаги бир парча қоғозни менга тутқаза туриб:

— Яхшиси мана буни ўқинг.

Истар-истамай кўзойнагимни олиб, қоғозга термулдим. Унда қуйидаги сатрлар битилган эди: «Ҳурматли Жамила хола! Туғилган кунингиз билан чин юракдан сизни муборакбод этамиз. Сиз бизнинг фахримиз бўлган онахонимизга ва умр йўлдошингиз Зийрак бобога узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Жамоамиз номидан мана шу арзимас совғани кўп ўрнида қабул қилгайсиз».

Мактуб остига корхона директори ва касаба уюшмаси раисининг имзоси қўйилибди.

— Ана кўрдингизми, отаси, — деди кампирим тушмагур хурсанд бўлиб, жамоаси тақдим қилган чинниларни бирма-бир кўрсатиб. — Корхонадан кетганимга 13 йил бўлибдики, бошлиқларимиз ҳар байрам, туғилган кунимда бирор совға билан мени табриклашни унутишмайди. Барибир дунёда яхшилар кўп-да, отаси.

— Ҳа, яхшилар кўп дунёда, — дейман унга жавобан. Мана шу биргина сўз юрагимдаги аччиқ ва ғуборли аламларни бир зумда тарқатиб юборди.

# «02»: ҲОДИСАЛАР

● Яккасарой туманилик аввал ҳам судланган, Б.Алексей исмли шахс ҳамон тавбасига таянмаган кўринади. Чунки, уни такроран ўғрилик жинояти содир этганлиги учун туман ИИБ навбатчилик қисмига келтиришди. Усмон Носир кўчасидаги 65-уйнинг бир нечта йўлакларига ўрнатилган лифт қурилмасидан жами нархи, 546180 сўм турадиган тўхтатиш ғалтакларини ўмариб кетганини тан олаётган бу жиноятчининг яна қонун олдида жавоб бериши аниқдир.

● Яккасарой тумани ИИБ ходимлари томонидан яна бир эгри қўл шахс аниқланди. Усмон Носир кўчасида яшовчи В.Пётр исмли бу кимса А.Шермуҳамедовнинг уйига кириб, унинг «Акира» русумли телевизори, 200000 сўм пуллари ҳамда кийимларини ўмариб кетган экан. Қилмишига иқрорлик билдирмоқдан ўзга чораси қолмаган бу ўғри далилий ашёларни қайтариб топширганича, минг пушаймонда эканлигини баён қилмоқда.

● Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчасида жойлашган заргарлик устахонасида ишловчи, Юнусобод 15-даҳасилик А.Мавлон деган шахс турфа хаёлларга берилди шекилли, «Иккинчи пой билакузукини ясаб беринг» деб илтимос қилиб, шунга еткулик тилла ва бир пой билакузук олиб келган мижозини лаққа туширди. Қатор-қатор ваъдаларни рўкач қилиб, аммо ишни бажармасдан қочиб юраверган ва қайтариб беришни эса, хоҳламаган найрангбознинг ушбу ҳаракати жабрланувчига айланган М.Ғуломованинг сабр косасини тўлдирди. Хуллас, милиция ходимларининг аралашувидан сўнггина айбини бўйнига олган бу фирибгар энди қилмиши учун тегишли жазо олади.

● Юнусобод туманининг Мухбир кўчасида яшовчи В.Сайфуддин ўзи бирон жойда ишламаса-да, аммо мўмайгина даромад кўзлаб, бир режа тузди. У Самарқанд вилояти, Жомбой туманининг Ўзбекистон ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Ш.Хўжақуловнинг ишончига кириб, «Самарқанд шаҳридаги юридик институтга ўқишга киритиб қўяман» деб катта ваъдаларни бериб, унинг 6000000 сўм пулларини қуртдай санаб оладида, ўзи қочиб юраверади. Не-не орзу-умидлар билан тўпланган маблағини ўз қўли билан фирибгарга тутқазиб қўйганини кеч англаган жабрланувчи, милицияга мурожаат этади. Ички ишлар ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида жиноятчи қўлга олинди.

● Ҳамза тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли уч нафар оғуфурушнинг фаолиятларига чек қўйилди. М.Ризёзий даҳасидаги «Пишки» қаҳвахонаси олдида Ж.Шавкат исмли кимсага ёнидаги героин моддасини 3000 АҚШ долларига пуллаётганда Себзор даҳасилик Д.Комил далилий ашё билан ушланди. Сўнгра, тезкор гуруҳ ходимлари ушбу заҳри қотил моддани жиноятчилар қайси манзилдан олганлигини ҳам аниқлашга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, Сирдарё вилоятининг Гулистон туманилик У.Раҳим исмли шахсдан ҳам ярим килодан ошиқ героин топилди.

● Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзесидаги 8-уйда яшовчи А.Исроилов ўзининг «Нексия» автоуловини ҳовлисида қолдириб, уйига кириб кетади. Бу эса, салгина нарироқда кузатиб турган, Бобур кўчасида яшовчи Т.Семён исмли кимса учун айни муддао эди. Хуллас, қисқа фурсатлар оралиғида ушбу машина ичидан «Нокия» русумли уяли телефон ҳамда «Пионер» бошқарув пультини ўмариб улгурган бу чаққон ўғри жуфтакни ростлаб қолади. Бўлиб ўтган воқеадан ҳайрон қолган жабрланувчи милицияга хабар беради. Воқеа жойида ҳозир бўлган милиция ходимлари ўғрини аниқлаб, далилий ашё билан тутиб келишга эришдилар.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

## Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Оқилона мулойимлик ишларни ислоҳ этади, шод-хуррамлик келтиради.

● Одамнинг энг зўр душмани — ўзининг нафсидир.

● Ялқов ярамаслик қилишдан тортинмайди, ножўя иш қилишга ҳар вақт тайёр бўлади.

● Ҳар нарсани синаб кўриш — ақлнинг кўзгуси, ғурурланиш — нодонлик емишидир.

● Нуриддин Абдураҳмон Жомий айтади:

— Бир куни Искандар Зулқарнайн ўзининг саркардалари билан ўтирганди. Улардан бири Искандарга:

— Кўп уйланинг, фарзандларингиз кўпайсин. Дунёда сиздан анчагина ёдгор қолсин, — деди. Искандар шундай жавоб берди:

— Менинг ёдгор фарзандларим — ҳаммага қилган яхши муомалам, яхши сўзларим ва гўзал хулқ-атворимдир. Булар туфайли халқ мени ҳурмат билан тилга олади, номимни доимо яхшилик билан ёд этади.

БАЙТ:

**Емишсиз ёғочдир карамсиз киши,**
**Емишсиз ёғочни кесиб ташлагил.**
**Ёзуғлик кишининг ёзуғин кечир,**
**Адоват илдизни қазиб кес, кўчир.**

● Олимлардан Жамол Фозил айтади:

— Ёлғончи одам таҳқир ва койишгагина сазовор эмас, у жуда ҳам мушкул, ноаниқ, мужмал ҳаёт кечиришга мажбурдир. Чунки биринчи сўзлаган ёлғонини ҳаш-пўшлаб беркитиш учун иккинчи бир ёлғонга, буни ҳам беркитишга ҳаракат қилиб, учинчи бир ёлғонга эҳтиёж сезади. Шундай қилиб катта ва қўрқинчли хатоларга дучор бўлади. Ўзининг иззат ва обрўсини халқ орасида йўқотгани соясида доимо қайғу-алам билан умр ўтказади. Демак, ёлғончилик ва иккиюзламачилик жуда ҳам нафрат этиладиган хислатлардан саналади, ёлғон сўзлаш — ўзини камситиш ва таҳқир қилишдир. Бу ёмон хислатни тарк этиш лозим.

БАЙТ:

**Кимки ёлғончи билинг у — беҳаё,**
**Беҳаёлардан кутилмайди вафо.**

● Адиб ва шоир Подшоҳхўжа айтади:

— Султон Санжар Мозийнинг отаси султон Маликшоҳ далаларни сайр-томоша қилақила қишлоққа яқин бир жойга келиб тушди. Унинг уч-тўрт хизматчиси бир кампирнинг сигирини кечаси зўрлик билан олиб чиқиб сўйдилар. Овқат пишириб, кечани кайф-сафо билан ўтказдилар. Маликшоҳ эртаси куни эрталаб ўз саройига қайтмоқчи бўлиб йўлга тушди.

Кампир султон ўтадиган бир сув кўприги ёнига келиб қўлига асо (ҳасса) ушлаб уни кутиб ўтирди. Бир вақт султон одамлари билан етиб келди. Кампиршо югурганича султон минган отнинг жиловидан ушлади. Султон отни тўхтатиб кампирга:

— Нега отимнинг жиловини тутдингиз, ким сизга зулм қилди? Айтинг, сизга жабр-зулм қилган кишига жазо бераман, — деди.

Кампир фарёд қилиб йиғлаб айтди:

— Одамларингизнинг қилган жабру-зулмидан шикоят қилгали келдим. Мен бир бевабечора кампирман, ҳеч кимим йўқ, молу-дунёдан биттагина сигирга эга эдим, унинг сутини сотиб кун кечирардим. Уч-тўртта хизматчингиз сигиримни зўрлик билан тортиб олиб сўйдилар. Энди қандай қилиб маишатимни таъмин қиламан? Энди ўша золимлардан сигиримнинг ҳақини олиб беринг, бошқа бир сигир сотиб олиб, кун кечирай, — деди.

Кампирнинг оҳу-фиғони Маликшоҳга қаттиқ таъсир қилди. Сигирни сўйганларни топтириб келтирди. Уларга ғазабланиб:

— Малъунлар, бечора кампирга нега жабрзулм қилдингиз? Шу билан мени халқ қошида бадном этдингиз, — деди. Уларга қаттиқ жазо берди. Кампирга битта яхши сигир ва бошқа кўп нарса инъом-эҳсон қилди.

БАЙТ:

**Айла адолат, бахт эшигин**
**сенга очар адл,**
**Бошингга жавоҳир ила дурларни**
**сочар адл.**
**Гар зулм, ситам қилгали**
**андиша қилурсан,**
**Сендан у замон минг**
**чақирим йўлга қочар адл.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

# Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

### МАРҲУМАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Бир тақводор кишининг иффатли ва ҳаёли хотини бор эди. Хотиннинг номи Марҳума эди. Иттифоқо, у киши ҳажга жўнайдиган бўлиб, йўлга ҳозирлик кўраркан, ўз укасига: «Уйимдан хабардор бўл!» деб васият қилгач, ҳажга жўнаб кетди. Бир неча муддат ўтгач, хотиннинг уйига эрининг укаси келди ва эшик тирқишидан ичкарига қараб акасининг хотинини кўргач, кўнгли шайтоний йўлга мойил бўлиб, ака-укалар ўртасидаги шарм-ҳаё ҳам ёдидан кўтарилди. Ниҳоят, хотинга ўз ишқини изҳор қилди. Хотин номусли ва покдомон эди. Бу сўзни эшитгач: «Эй беҳаё, уялмайсанми, эй беномус, ор қилмайсанми? Бу сўзларингдан қайт, ҳожатингга мендан раво истама ва муродинг мендан ҳосил бўлмайди. Ҳаргиз зино қилиб номусимни барбод қилмагайман ва ҳаётимнинг соф чашмасини бу жиноятнинг андуҳи билан ифлос қилмагайман», деди. «Мен билан бирга бўл ва муродимни ҳосил қил! Агар рози бўлмасанг жонингга қасд қилурман», деди йигит. «Жондан кечсам кечаман, аммо бундай гуноҳ йўлга қадам қўймайман», деб жавоб берди хотин.

Йигит тўрт нафар ёлғон гувоҳларни топиб, хотинни қози маҳкамасига олиб борди. Гувоҳлар хотинни зино қилишда айблаб, ёлғондан гувоҳлик бердилар. Қози ўлимга ҳукм қилди. Гуноҳсиз хотинни биёбонга олиб бориб, тошбўрон қилдилар. Аммо Худойи таоло унинг жонини омон сақлади. Хотин ҳушидан кетиб йиқилди. Одамлар «ўлди» деб гумон қилиб, хотинни ташлаб, қайтиб кетдилар.

Хотин ҳушига келиб, оҳ чекиб нола қиларди. Шу пайт саҳродан ўтиб кетаётган араб тошлар орасидан келаётган юракни эзувчи нолани эшитди. Бу нолага тош ҳам эрирди. Араб хотиннинг аҳволига ачинди. Уни тошлар орасидан четга олиб чиқиб, ўзи билан бирга олиб кетди. Марҳума тузалгач, унинг қадди-камоли аслига қайтди. Буни кўрган араб Марҳумани ўз никоҳига киритишга ҳаракат қилди. Марҳума арабга жавобан, менинг эрим бор, деб ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳикоя қилди.

Араб художўй ва раҳмдил киши эди. Марҳумани синглим деб атаб, уни ўз ҳимоясига олди. Арабнинг бир хизматкори бор эди. Ниҳоятда бадкирдор ва ҳаёсиз эди. У Марҳумага ошиқ бўлди ва ўз аҳволини унга изҳор қилиб, ҳожатини раво қилишини Марҳумадан талаб қиларкан, агар рози бўлмасанг, сендан ўч олурман, деди.

Марҳума рад жавобини берди. Арабнинг ҳали ёшига етмаган ўғли бор эди. Араб ўғлини ниҳоят даражада ардоқлар ва севарди. Хизматкор мазкур болани бошини кесиб, унинг қонидан Марҳуманинг чопонига суртди ва пичоқни унинг ёстиғи остига қўйди. Эртаси куни болани ўлик ҳолда топиб, Марҳуманинг чопонини қонли ҳолда кўришгач, унинг ёстиғи остидан пичоқни топиб олдилар. Фарзанд доғида куйган араб ва сохта қайғурган хизматкор Марҳумани ҳаддан ташқари калтакладилар, у ҳалокатга яқинлашди. Ниҳоят, Марҳума худога илтижо қилди: «Эй худо, кўриб турибсан, ўзинг қўлла! Ўзинг билиб турибсан, додимга ет!!!»

«Эй Марҳума, — деди араб, — менинг фарзандимни нима учун ўлдирдинг?»

«Мен ўлдирганим йўқ», деб бир неча қаттиқ қасамларни ичиб хизматкор воқеасини баён қилди Марҳума.

Араб Марҳуманинг рост гапираётганига ишонди. Маорҳумага тўрт юз дирҳам олтин бериб, ўғлимнинг онаси ўз боласининг фироқида сенинг жонингга қасд қилмоғи муқаррардир. Бинобарин, менинг уйимдан чиқиб кет, деди.

Марҳума тўрт юз дирҳамни олиб, уйдан чиқиб боши оққан томонга қараб кетди. Шаҳар четига етганда йўл устида қурилган дорга кўзи тушди. Дор атрофига жамоат йиғилган эди. Марҳума улардан сабабини сўради.

«Шаҳар амирининг бир одати бор: агар кимда-ким ҳирож тўламаса, уни дорга осдиради. Дор тагида турган йигит ҳирож тўламабди. Шунинг учун уни дорга осмоқчи», деб жавоб бердилар. «Сўраб кўринглар-чи, унинг қарзи қанча экан?», деди Марҳума. «Тўрт юз дирҳам», дедилар.

«Менинг тўрт юз дирҳамим бор, мусулмончилик йўлида савобийлик учун бу йигитнинг қарзини бериб, уни ўлимдан халос қилай. Менинг ризқимни худонинг ўзи етказар», деб олтинни бериб, йигитни дордан қутқариб олди.

Йигит дордан қутилгач, ташаккур айтиш учун Марҳуманинг олдига келиб, унинг ҳусн-жамолини кўриб, қалби ишқ дорига осилди. Марҳумадан висол талаб қилди. Марҳума рад жавобини берди. Аммо йигит унинг орқасидан эргашиб борарди. Ниҳоят, дарё лабига етдилар. Марҳума кемага тушмоқчи бўлди. Бироқ, номард йигит: «Бу менинг канизагим эди. Мендан қочиб бу ерга келибди», деди. Кеманинг эгаси савдогар эди. У йигитдан Марҳумани ўн минг дирҳамга сотиб олди ва унга яқинлашмоқчи бўлди. Марҳума фарёд чекиб: «Мен озод кишидурман, эрим бордир», деди. Марҳуманинг фарёдини эшитган кемадаги кишилар уни савдогар қўлидан қутқариб олдилар. Марҳуманинг ҳусн-жамолини кўрган кемадаги барча кишилар унга ошифта бўлиб, унинг билан бирга бўлишга қасд қилдилар. Марҳума худога нола қилиб ёлборди. Олло-таоло ўз инояти билан кемага ўт юбориб, кема аҳлининг барчасини ҳалок қилди. Марҳуманинг якка ўзи кемада қолди. Қаттиқ шамол туриб, кемани дарё қирғоғига олиб борди. Шаҳар халқи кемани томоша қилмоқ учун қирғоққа келган эдилар.

Марҳума яна бирор балога гирифтор бўлмаслик учун, эркакча кийим кийиб, кемадан тушиб шаҳар амирининг ҳузурига борди. Унга «Сенга бир ҳожатим бор. Чунончи, ушбу кема тўла молларни сенга берурман. Эвазига сен ушбу шаҳар чеккасида менинг учун бир ҳужра бино қилдирсанг. Мен мазкур ҳужрада худонинг ибодатига машғул бўлсам», деди.

Подшоҳнинг буйруғи билан шаҳар чеккасида Марҳума учун ҳужра қурдилар. У ўша ерда тоат-ибодатга машғул бўлди ва дуоси мустажоб бўладиган бўлди. Бинобарин, бирор дардга мубтало бўлган ҳожатмандларни унинг олдига олиб келардилар. Марҳума эса дуо қиларди ва улар сиҳат топиб кетардилар.

Марҳуманинг эри ҳаждан қайтиб келгач, укаси унинг хотинининг кирдикори ҳақида ҳикоя қилиб, хотининг зино қилган эди, уни тошбўрон қилдилар, деди.

Шундан сўнг бир неча кун ўтгач, укасининг кўзи кўр бўлиб қолди. Акаси дарё бўйида дуоси мустажоб бўладиган зоҳид бор эмиш деб эшитди ва укасини кўтариб зоҳид томонга олиб борарди. Уларнинг йўли арабнинг уйи олдидан ўтарди. Арабнинг хизматкори ҳам кўр бўлган эди. Мен ҳам сизлар билан бирга борурман, деди-да, хизматкорини кўтариб олиб йўлга равона бўлди. Уларнинг йўли дор тагидан озод қилинган йигитнинг қишлоғига тушди. Йигитнинг қари онаси бор эди. Йигит ҳам кўр бўлган эди. Онаси ўғлини олиб, уларга ҳамроҳ бўлди.

Улар дарё бўйига етганларида Марҳума ўз ҳужрасидан уларни кўриб таниди ва уларга: «Эртага бомдодда шаҳар амирини бирга олиб келинглар, токи сизларни унинг ҳузурида дуо қилай», деди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## «Футбол» айланма сканворди




**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

### Газетанинг шу йил 31 май сонида берилган «Бахтиёр болалик» бошқотирмасининг жавоблари:

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. «Камолот». 2. Эртак. 3. Варрак. 4. Артек. 5. Тинчлик. 6. Беланчак. 7. Маҳалла. 8. «Ғунча», 9. Дуғона. 10. Кураш. 11. Шоколад. 12. Истиқлол. 13. Нилуфар. 14. Ақиқа. 15. Чиллак. 16. «Алпомиш». 17. Насиҳат. 18. Чиннигул. 19. Муаллим. 20. Бешик. 21. Меҳнат. 22. Қисса. 23. Муяссар. 24. «Булбулча».

**Муаммонома**

Мақол: Бол ширин, болдан бола ширин.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.30 1 2 3 4 5 6

АСЛИДА БЎЛГАН ВОҚЕА

# ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

## (Ярим чин, ярим ҳазил)

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

— Ўт эмас, мева-чева, сабзавотлар дегандир, сенинг ўша пропессор қоровулинг, — Муроднинг хуноби ошганини овозининг жарангидан ҳам билса бўларди. Ўша Луқмони ҳакиминг яна нималар деди.

— Яна айтдики, амакинг ҳадеб гўштли овқат еявермасин, деди. Уни мен ейишим керак экан.

— Тағин нима деди?

— Тағин айтдики, у ёғи уятли гап, келинг яхшиси қулоғингизга айтиб қўя қолай!

— Қани айт-чи?.. — Фарҳод амакисининг қулоғига нималарнидир пичир-пичир қилдида, ўзи қотиб-қотиб кула бошлади.

— Ўша ҳакимингга бориб айт, — деди Мурод овозини баланд кўтариб, — тушини бориб сувга айтсин, ҳайми.

— Ҳай бўлса, ҳай-да!.. — Эсига яна бир нарса тушиб қолди шекилли, қўлини кўтариб, деди. — Мана буниси сал қолибди-ю, ёддан кўтарилишга. Бир қўй ва бир бузоқ гўштини хом-хатала паққос туширган одамни эшитганмисиз?

— Йўқ!

— Мен эшитдим, — деди Фарҳод кулиб. — Эрталаб Чилонзордан метрода келаётганимда бир киши газета ўқиб ўтирган эди. Ўша гапириб берди. Яна бир очопат киши 104 кружка пиво ичсаям, ўлмабди.

— Нега буларни менга айтяпсан?

— Билиб қўйганингиз яхши, ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳа, қоровул кишидан яна бир ажойиб гапни эшитдим. У айтдики, одамзотнинг ҳамиртуруши бир томчи сув бўлган экан, Оллоҳ бизни сувдан яратиб, бурнимиз, кўзимиз, қулоғимиз ва ҳоказо-ҳоказоларни ато этган экан!

— Фарҳоджон чарчадим эзма-чурук гапларингдан, ундан кўра мени бир айлантириб келмайсанми?

— Бўпти, кетдик!.. — Улар қўзғалишди.

— Фарҳоджон, аста-аста. Оёқларимнинг жони йўқдай! Ушла-ушла, ҳозир йиқилиб тушаман.

— Янгам айтдилар: агар сени урадиган бўлса, шу ерга қочиб келавер,-деб!

— Ҳечам унақа демайди, — Муроднинг жаҳли чиқди. — Э, ушла-ушла, ҳозир йиқилиб тушаман!

— Юрингда аста-аста, ҳадеб йиқиламан-йиқиламан, демасдан. Уф-ф...

...Кунлар касалхонада тошбақадай имиллаб ўтиб борар, амакиваччаси қамишдан бел боғлаб, хизмат қилишдан ҳоримасди.

### 12. Чол юрак ўйноғи бўлишига сал қолди

Фарҳод амакисини даҳлиздаги диванга ўтказиб қайтиб келди-да, бирдан эсига оғайниси тушиб қолди. 12-хонага кириб борди. Илҳом уйига кетиб қолибди, аттанг! Даволовчи дўхтир билан янги касал бир чол суҳбатлашаётган экан.

Фарҳод дўхтирнинг беморга: «Сизга дарсенвал тайинладим», — деган гапини, чолнинг эса: «Э, ўғлим, дастрўмол керакмас, овора бўлманг, дастрўмолим бор», деган жавобини ҳам, яна дўхтирнинг: «Дастрўмол эмас, отахон, дарсенвал, шунақа муолажамиз бор, уни олсангиз оёғингиз оғриқлари қолади, ҳузур қиласиз», — деб тушунтирганиниям — ҳамма-ҳамма гапларни эшитди. Дўхтир беморга мулойим жилмайиб, таскин бергач, хонадан чиқар экан, бир дақиқа тўхтади:

— Ҳа, Фарҳоджон, топилдингми, ҳаммани оёққа турғаздинг-ку, — деди унга яқинроқ бориб. — Шеригинг кетиб зерикиб қолган бўлсанг, ана энди отахон борлар. Олдиларига кириб тур. Зериктириб қўймагин уларни. Ёрдамингни аяма. Хўп, яхши қолинглар, мен борақолай!

— Яқиндан танишиб олайлик, Фарҳоджон кел, олдимга ўтир, — деди чол дастёр бола топила қолганидан хурсанд бўлиб. — Сен билмайсанми, ҳалиги дўхтир айтган дастрўмолмиди, нима эди, отинг қурғур, эсда турмас экан қийинлигидан. Ўшаниси оғритмасмикан?

Фарҳодга жон кирди. «Ҳозир боплаймиз», — деди ичида. Тушунтира кетди:

— Оёғингизга шундай уласа, — деди у чолнинг дилига ғулғула солиб.

— Нимани, дастрўмолними?

— Ҳа, ўша номинг ўчгур, нима эди, майли мен ҳам отини тополмаяпман, хуллас, ўшани-да, ўшани! Токни оёғингизга улайди, бўлди, шу билан қарабсизки, ғужанак бўлиб ётаверасиз. Воҳ-воҳ...

Чол ҳам оёқларини ушлаб, «воҳ-воҳ»лаб қолди-ку!

Эс-ҳушини йиғиб олган чол:

— Одам ўлиши ҳеч гапмас-ку, бунақада?

— Нима қипти, — Фарҳод баттар қизишиб кетди. — Аввал ўлдиради, кейин тирилтиради. Қўрқманг! Ўша пайтда ёнингизда ўзим бўламан. Шу баҳона нариги дунёни ҳам бир кўриб келасиз!

Фарҳоднинг ўзи ҳам бирдан қўрқиб кетди: «Мен қурмагур, нима «иш» қилиб қўйдим, яна фалокат босиб, бирор кор-ҳол юз бермасин тағин», — деди-да ўзига-ўзи, сўнг чолни юпатишга тушди.

— Оллоҳдан ботмон-ботмон соғлиқ сўранг, отагинам, — деган бўлди меҳрибонлик кўрсатиб. — Буларнинг ҳаммаси ҳазил, озгина ҳазиллашдим-да, отагинам, кечирарлар.

— Садқаи одам кет-э, юрак ўйноғи бўлишимга сал қолди-а, ўғилгинам, — деди чол ҳам кесатиб. — Озгина ҳазиллашганмиш. Ози шунақа бўлса кўпи билмадим, қанақа бўларкин? Биратўласи мени нариги дунёга жўнатворarkансан-да!

Фарҳод ҳамон «ҳингир»лашда давом этарди.

— Шу денг, сизни зериктирмай дедимда, отагинам. Дўхтир ҳам айтди-ку, мазза қиласиз, деб. Ростданам жонингиз киради, кўрасиз ҳали, — деди жиддийлашиб.

— Қанақаси мазза, ток уриб турса?

— Шунақанги маззаки, кўз олдингизга бир келтиринг-а, кампирингиз майин қўллари билан сизнинг зирқираб оғриётган қўлоёғингизни силаб ўтирибди, қалай зўрми, зўр-да! Нимаси ёмон?

— Унда зўр экан чиндан ҳам, жуда ажойиб даво эканми, Фарҳоджон?

— Ажойиб бўлганда қандоғ, э, нимасини айтасиз? Шу денг, менинг қўлимда ҳам ток бор, — деб мақтаниб қолди Фарҳод деганлар.

— Йўғ-э, бўлмаган гап!.. — Ҳайрон бўлди чол.

— Ишонмасангиз, келинг оёғингизга ток юбораман.

— Қандай қилиб? — қизиқиб қолди отахон.

— Оёғингизни узатинг-а, қўрқманг, мана бундай!.. Фарҳод қўлларини аввал чолнинг оёқлари устида уёқдан-буёққа юргизди-да, аста-секин силай бошлади. Беш дақиқа ўтар-ўтмас чол ёш болалардай кўзлари чақчайиб:

— Зўр-ку, оёғим қизияпти, оғриқлари аста қоляпти! — деб ўзида йўқ қувониб кетди.

— Бугунга шунинг ўзи етарли, отагинам, ўша дастрўмоли ҳам худди шундай қиздиради-да, агар билсангиз. Эртага яна кирарман, яхши дам олинг, отагинам! Мени у ерда роса излашаётгандир ҳали. Борақолай, тағин бутун Тошкент бўйлаб қидирув эълон қилишган бўлмасин!

— Яхши, бор, ўғилгинам!..

### 13. Бутун касалхонани бошига кўтарди

Фарҳод отахон билан хайр-хўшлашиб даҳлизга чиқиши биланоқ кимдир яна сўраб қолди:

— Ҳой, Фарҳод, топилдингми?

— Ҳа, топилдим-топилдим, как дело?.. «Оббо, менинг йўқолганимни бутун Тошкент эшитибди-я?..» — ҳайрон бўлди. Қараса, амакиси диванда кўринмайди, демак, кимдир уни обкириб кетган.

— Ғойибназар келдингми! — деди амакиси у остонада кўриниши биланоқ.

— Келдим-келдим, кўриб турибсизку, тўрт мучалим соппа-соғ, как дело, амакигинам, — деб унинг ёнига бориб ўтирди-да, индамай оёқларини аста уқалай бошлади. Мурод ҳам ҳайрон. Нечук? Қаёқдан кун чиқа қолди? Ялиниб-ёлворсанг ҳам зўрға силарди!..

— Дунёда сендан зўр бола йўқ-да, — деди амакиси эриб кетиб. — Ўз ўғилларимдай яхши кўраман сени агар билсанг... (Муроднинг Салимадан тўрт ўғли бўлиб, улар ҳам барзангидай бўлиб кетишган, фақат уларнинг Тошкентга қолганда оёқлари бироз қисқароқ бўлиб турганди-да). Яхшиям Муроднинг бахтига шу «ёмон» Фарҳодни худо етказган экан, мана оғир кунида яраб турибди. Биров айтган экан: «Эчкида эт йўқ, бемеҳр фарзандларда бет!.. Шўр пешона бўлмаса, шундай аҳволларга тушармиди. Фарзанд — ота-онанинг ҳам ичи, ҳам сирти. Ундан воз кечолмайди. Фақат... зор этмасин уларга! Кўрпа иссиғини эгаси билганидек, Мурод ҳам ўзидан ўтганни ўзи билади. Ота-она шундайки, агар фарзандлари оёқ товонига бирор тикон кирса, иложи борича тил билан ялаб, тиш билан суғуриб олай, дейди. Ана шунақа гаплар, Фарҳодбек!..

Фарҳод амакисининг мақтов гапларидан кўнгли тоғдек кўтарилиб, терлаб-пишиб уқалашда давом этарди.

— Бир ҳикмат айтиб берайми, — деб қолди у.

— Айтсанг, айтақол!..

— Бир бор экан, бир йўқ экан, — деди у силоқчилардай амакиси оёқларини шапатилаб, — қадимги Юнон деган мамлакатда бир машҳур киши ўтган экан. Унинг исмини эсимдан чиқариб қўйдим фақат!

— Майли шартмас, гапиравер!

— Ўша киши болалигида бирорта сўз ёки жумлани аниқ айтолмай қийналаркан, дудуқланиб, менинг Илҳом оғайнимга ўхшаб, аранг гаплашаркан. Уятчан бўлганидан овози ҳам зўрға эшитиларкан. Баъзи бировлар уни масхара қилиб, устидан кулиб юраркан.

Бу таъналардан қандай қутулсам бўларкин, деб обдон ўйлабди. Кейин катта бочканинг ичига тушиб, нутқини равон қилиш мақсадида ҳар хил машқлар ўтказа бошлабди. Аввалига чуқур нафас оларкан, кейин сўзларни то дами етгунча овоз чиқариб ўқиркан. Ҳар бир жумлани аниқ талаффуз қилмагунча машқини давом эттираверарkан.

Қарабсизки, ана шу машаққатли машқлар ўз самарасини кўрсатибди. Замонасининг машҳур сўз устаси бўлиб етишибди.

Ажабмас, менинг амакижоним ҳам машқ қилаверсалар ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетсалар!

— Айтганларинг келсин-а, Фарҳоджоним менинг! Иншоолло! — деди Мурод кўзларига ёш олиб. — Эҳ, қани мен ҳам ўша сўзамол киши сингари кўрмагандек бўлиб кетсам. Ҳамма қатори ўзим мустақил юрсам, чопсам! Э, Оллоҳим, эшитяпсанми, мен бир ногирон бандангни! Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур расуллуллоҳ! (Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ ва Муҳаммад унинг расулидир). Менга ўз оёқларимда юриш бахтини ато этгил, сендан ўтиниб-ўтиниб сўрайман, мен осий бандангни дариғ тутма!..

**Миршароф МУҲСИМОВ**
**(Давоми бор).**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# Қотил қайни

**Шомансуровлар оиласига Алимовлар оиласининг мунис қизи Шоҳиста келин бўлиб тушди. Бир қарашда келин ва куёв бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос эди. Улар аҳил яшар, зинҳор-базинҳор «сан-манга» боришмас эди. Эр жамоат транспортида, хотин «Қизил тонг» корхонасида тикувчи бўлиб ишларди. Қайнона — Зуҳра опа эса «Ҳа, деган туяга мадад» дея иш тутиб, фаррошлик қиларди. Унинг кенжатойи эса мактабда ўқирди. Биргина ўртанча фарзанд — Равшангина ҳеч қаерда ишламас, гоҳ кўча кезиб, гоҳ уйда дам олиб, умрини ўтказар эди.**

Балки шу боисданми, ҳар ҳолда унинг кўнгли торроқ бўлиб, сал нарсадан жанжал чиқариб юборaverарди. У айниқса, кеннойиси билан чиқишмасди. Келин бечорани ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дерди. Кеннойиси ҳам унинг бу инжиқлигини бир кўтарди, икки кўтарди, охири у ҳам гап қайтарадиган бўлди. Ҳатто охири (эрининг айтишига қараганда) бир бор «сен текинхўрсан, ишламайсан» деб ҳам юборди. Бу гап Равшанга оғир ботди. Натижада бир кун келиб онаси ўрнини босиши лозим бўлган кеннойисини тез-тез сўкадиган, баъзан тошбағирлик билан урадиган одат чиқарди. Шу орада бемеҳр қайни кеннойини уриб, боласини тушириб қўйди. Бу воқеадан келиннинг туғишганлари ҳам хабардор бўлишди. Лекин кечиришди, «милициябозлик» қилишмади.

Аммо Равшан бундан тегишли хулоса чиқармади. Андишанинг отини қўрқоқ қўйди. Ўша мудҳиш кунда Шоҳиста меҳнат таътилига чиққан эди. Одатдагидек эрта тонгда эрини нонушта қилдириб, ишига кузатди. Сўнг қайнонаси ва оиланинг бошқа аъзоларига нонушта ҳозирлади. Қайнона ишга кетар чоғида келин:

— Тушликка қандай овқат пиширай, — деб сўради. Сўнг «Агар гуруч бўлганида палов пишира қолардим», деб қўшимча қилди.

Қайнона эшик ҳатлаб кўчага чиққан ҳам эдики, қўшниларидан бири гуруч кўтариб ўтиб қолди. Шунда Зуҳра опа:

— Қўшнижон, гуручни бозордан олдингизми? — деб сўради.

— Йўқ, ўзимизнинг дўкондан, килоси 325 сўмдан экан.

— Ундай бўлса биз ҳам шу дўкондан ола қолайлик!

Қайнона ортига қайтиб, келинига 800 сўм бериб деди:

— Қизим, шу пулга икки кило гуруч, қолганига нон олиб келинг-да, тушликка палов дамлайверинг. Мен ҳам етиб келаман.

Келин қайнонанинг гапини икки қилмади. Дўконга чиқиб гуруч олди. Лекин нон ололмади. Сабаби дўконда нон тугаб қолган экан. «Бироздан сўнг қайтиб чиқиб нонни олиб кетарман» дея уйига қайтди. Сабзи-пиёзни тўғраб ошга уннаб кетди. Унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган қайниси Равшан негадир тўнини тескари кийиб олди:

— Бас қилинг, тўхтатинг! Сиз нега палов пиширяпсиз? Керак бўлса онамнинг ўзи пиширади ошни. Бас қилинг, тўхтатинг!

— Биринчидан паловни бошлаб қўйдим. Иккинчидан, онангиз менга сен ош пиширма, деганлари йўқ.

— Керак эмас, сен палов пиширмайсан дедимми, пиширмайсан!

— Жинни!

Келин шундай дея уй ичкарисига кириб кетди. Унинг бу гапи, қолаверса, унинг раъйига бўйсунмай ошни пиширишни давом эттираверaётгани Равшанни дарғазаб қилди. У ўзини қўярга жой тополмай жазавага тушди. Шоҳистани қувиб ичкарига кирди. Қизиб турган дазмолни разеткадан узиб олиб, кеннойисининг бошига урди. Кейин яна бир неча бор шундай қилди. Кеннойиси юзтубан бўлиб ерга йиқилди. Бироқ шунда ҳам жоҳил қайнининг кўзи мошдек бўлса-да очилмади. Аксинча баттар қутурди. Ошхонага кириб ошпичоқни олиб чиқиб, шундоқ ҳам жон талвасасида ётган Шоҳистанинг дуч келган жойига санчаверди. Шўрлик келиннинг вужуди қонга беланди. Одатда қон инсон этини сескантирар, ҳушини жойига келтириб қўярди. Аммо Равшанга қолганда негадир бундай бўлмади. Уни қип-қизил қон баттар ваҳшийлаштирди. Қотил музлатгич ортида турган чопқини олиб, у билан кеннойисининг орқа елка қисмига ўта оғир жароҳатлар етказди. Бу ҳам етмаганидек ваҳший қайни газ плита устидаги қозонда қайнаб турган ошни қозони билан кўтариб келиб, кеннойисининг устига сепиб юборди. Натижада Шоҳиста Шомансурова бу азобларга дош беролмай жон таслим қилди. Шундан кейингина қотил қайни сал ҳовуридан тушди. Эс-ҳушини йиғиб, мурда ётган хонанинг эшигини қулфлаб кўчага чиқиб кетди...

Воқеанинг давомини энди муштипар онадан эшитинг. У ёниб-куйиб, кўзида жиққа ёш билан шундай деди:

— Ўғлим Равшан 1999 йилнинг тахминан сентябрь ойларидан Собир Раҳимов туман Ички Ишлар бошқармасида милиция ходими сифатида фаолият кўрсатаётган эди. Лекин 2001 йилнинг март ойларида унинг боши қаттиқ оғриганлиги сабабли постини ташлаб кетди ва ишдан бўшатилди.

Марҳум келиним Шоҳиста тўнғич ўғлим билан қонуний никоҳдан ўтиб, тинч ҳаёт кечиришаётган эди. Бироқ негадир ўртанча ўғлим билан келиним ўрталарида тез-тез низолар чиқиб турарди. Мен ўғлим Равшанга кўп танбеҳ берардим...

Ўша мудҳиш кунда соат 12 ларда мен тушлик қилиш учун уйга қайтдим. Бироқ тўртинчи қаватда жойлашган уйимизнинг эшиги берк экан. Келиним нон олиш учун дўконга чиқиб кетган бўлса керак, деб ўйлаб пастга қайтиб тушдим. 7-уйнинг олдига етганимда ўғлим Равшан мен томон югуриб келди. Мен ундан:

— Ўғлим, қаерда юрибсан? — деб сўрадим.

— Кўчада бир йигит билан уришиб қолдим.

— Қани ўша йигит?

— У қочиб кетди!

— Шоҳиста қаерда?

— Она, мендан хафа бўлмасангиз, сизга бир гап айтаман.

— Гапир, нима гап экан у?

— Кеннойим Шоҳиста билан уришиб қолдим!

— Унда юр, ичкарига кирайлик.

— Сиз уйга кирманг, агар уйга кирсангиз юрагингиз ёмон бўлиб қолади.

— Ростини айт, Шоҳистани урдингми, йўқми?

— Урдим!

— Юр, эшини оч, тезроқ кеннойингга қарайлик!

— Она, сиз уйга кирманг. Мен барибир калитни кўчада чопиб келаётиб тушириб қўйдим.

— Қаерда туширдинг, юр, бориб топиб келайлик!

Худди шу лаҳзада мен билан бирга ишловчи бригадиримиз Рихси опа олдимиздан ўтиб қолдилар. Мен опага ўғлим уй калитини бермаётганини айтиб, ундан бунинг сабабини билиб беришни сўрадим. Шунда у Равшанга юзланди:

— Сенга нима бўлди, нега онангга калитни бермаяпсан?

— Менда калит йўқ!

Равшан шундай дея опага қўлини кўрсатди. Не кўз билан кўрайликки, ўғлимнинг қўллари қонга беланган эди. Қўрқиб кетдим.

— Нега қўлларинг қон?

— Кеннойим Шоҳистани урдим. Кейин уни урган мана шу қўлларимни ўзим кесдим!

— Майли, ўғлим, кеннойингни урган бўлсанг ҳам эшикни тезроқ оч. Балки унга тез ёрдам керакдир.

— Рихси опа, майли эшикни очаман, фақат уйга онам кирмасинлар, юраклари ёмон бўлиб қолади...

Учовлон юқорига кўтарилдик. Мен сал ортда қолдим. Рихси опа билан Равшан уй эшиги ёнига етишди. Лекин ўғлим барибир эшикни очмади. Мен ноилож 14-уйда жойлашган милиция таянч пунктига бориб воқеани айтдим.

Ҳа, Зуҳра опа бор ҳақиқатни милицияга айтишга мажбур бўлган эди. Тез етиб келган участка нозири Равшандан калитни олиб, эшикни очди. Бироқ ичкарига кирибоқ ортига қайтди. Тезда қўшнининг уйига кириб «Тез тиббий ёрдам» ва милиция чақирди. Шундан кейингина унга Рихси опа:

— Келинингизни таниб бўлмайди, — деди.

Ана шундагина Зуҳра опа ўғлининг қотиллик қилиб қўйганини англади ва ҳушидан кетди.

— Ўша куни мен ишда эдим, — деб гувоҳлик берди Шоҳистанинг умр йўлдоши Умид Шомансуров. —Тахминан соат 15-16 ларда қўшнимиз Алишер ўзининг «Нексия» машинасида мени уйга олиб келди. Не кўз билан кўрайки, уйимиз олдида милиция ходимлари ва қўшнилар тўпланиб туришган экан. Мен улардан:

— Тинчликми, онам қани? — деб сўрадим.

— Бизнинг уйимиздалар, ҳушларидан кетиб ётибдилар, — деди Дилбар опа.

Уйимизда милиция ходимлари юрганини кўриб ичкарига кирмоқчи бўлдим. Аммо милиция ходимлари киритишмади. Қўшнилар:

— Сен тез бориб хотинингнинг акасини олиб кел, — дейишди.

Мен бориб қайнағам Баҳодир акани олиб келдим. Милиция ходимлари бизга укам Равшан Шоҳистани ўлдириб қўйганлигини айтишди. Баҳодир акам йиғлаб юбордилар. Мен турмуш ўртоғимни кўриб чиқиш учун рухсат сўрадим. Лекин мени ичкарига киритишмади. Орадан бир оз ўтгач кимдир Шоҳистанинг паспортини топиб беришимни сўраб қолди. Шунда ичкарига кирдим. Қарасам умр йўлдошимнинг устига латта ёпиб қўйишганлигини кўрдим. Уйнинг поллари, ётоқхонанинг ҳам поллари ва деворлари қон бўлиб ётган экан...

— Мен руҳан беморман, — дейди ўз қилмишига яраша бериладиган жазони енгиллаштирмоқчи бўлиб қотил Равшан Шомансуровнинг ўзи. — Бўлган воқеада кеннойимнинг ўзи айбдор. Мен илгарилари ҳам кеннойим билан жанжаллашиб турганман. Бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам унинг ўзи айбдор эди.

1997-1998 йилларда ҳарбий хизматда бўлганимда, хизматдошларим менинг пешонамга «табуретка» билан уришган эди. Шундан бери бошим тез-тез оғриб турадиган бўлиб қолди. Шу сабабли милиция хизматидан ҳам бўшадим. Қулоғимга ҳар хил овозлар эшитилади. Тушларимда мозорни кўраман...

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Наҳотки, унинг шу гаплари рост бўлса?! Агар ёлғон бўлса-чи? У жазодан қутулиш учун мазкур гапларни ўйлаб чиқарган бўлса-чи?!! Балки ростдан ҳам Равшаннинг «томи кетган» бўлса-чи?

Бу саволга суд мажлисида қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасининг шифокори Галия Зиёвуддинова қуйидагича жавоб берди:

— Равшан Шомансуровга нисбатан стационар равишда суд-психиатрик экспертизаси ўтказилди. Унда Равшаннинг ҳаракатларида ҳеч қандай руҳий касаллик аломатлари сезилмади. У мазкур жиноятни аниқ кетма-кетликда содир қилган. Яъни дазмол билан кеннойисини уришдан олдин уни розеткадан ўчирган. Қозонни олишдан олдин газни ўчирган, уйидан чиқиб кетишдан олдин эшикни ёпиб қулфлаган. У билан суҳбатлашиш жараёнида сунъий равишда ўзини руҳий касал қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Равшаннинг жаҳли тез чиқадиган одати бор, у атрофидагилар билан тўғри мулоқотда бўлган, хотираси ва зеҳни яхши. Ўз хатти-ҳаракатларига тўғри хулоса бера олишини шифокорларимиз кўриб чиқиб, уни илгари руҳий касалликлар билан оғримаган ҳамда ҳозирда ҳам соғ эканлиги хусусида хулоса беришган. Равшан Шомансуровнинг тушларида мозорни кўриши ва гоҳи-гоҳида нотаниш овозлар эшитиши тергов ва судни чалғитиш мақсадида ўйлаб чиққан уйдирмаларидир.

Суд жиноятчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларини эшитиб, далилий ашёлар ва суд тиббий экспертизасининг хулосаларига асосланиб қотил Равшан Шомансуровга жазо тайинлади. У 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Энди маҳбус бу жазонинг беш йилини қамоқда, қолган 15 йилини эса қаттиқ режимдаги колонияда ўтайди. Бу муддат унинг қилмишларини сарҳисоб қилишига, инсоннинг инсондек яшаши кераклигини тушуниб етишига етарлидир. Ҳар ҳолда уни ҳам инсон туққан-ку. Лекин ёш аёлнинг жони кетди. Уни эса ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Ғиёсиддин НАЖИМОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси.**

**Мурод КАЛОНХОН,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

*Маълумотлар учун телефон:*



*133-28-95.*
*Факс: (3712)*
*133-29-09.*

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

Сергели туманида жойлашган икки хонали квартира сотилади.
Тел: 51-13-26.

Сергели туманида жойлашган беш хонали квартира сотилади.
Тел: 57-15-30.

Республика тиббиёт техникуми томонидан 1992 йили Торгаутдинова Вазира Эгамбердиевна номига берилган СТ-I № 444596 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 5,12,19,26 июль, 2,9,16,23,30 август, 6,13,20,27 сентябрь кунлари соат 10-00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.**

## КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

**қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:**

| №№ п/п | Ер майдони жойлашган манзил ва куриладиган шохобча тури | Ер майдонининг сатҳи | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| | **Чилонзор тумани** | | |
| 1 | Ҳ.Турсунқулов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун | 0,03 га | 5 898 150 |
| | **Собир Раҳимов тумани** | | |
| 2 | Шамсутдинов кўчаси, «Қорақамиш 1/2» мавзесида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун | 0,02 га | 3 564 400 |
| | **Сергели тумани** | | |
| 3 | «Сергели-2» мавзесида гўшт ва сут маҳсулотлари дўкони қуриш учун | 0,02 га | 3 052 800 |
| 4 | «Спутник-16» мавзеси, Қўрғонтепа кўчасида минимаркет қуриш учун | 0,03 га | 3 880 800 |
| 5 | «Сергели-8а» мавзеси, Янги Сергели ва лойиҳадаги Г-40,0 м. кўчалари бурчагида минимаркет қуриш учун | 0,02 га | 4 475 770 |
| | **Мирзо Улуғбек тумани** | | |
| 6 | Паркент кўчасида дўкон қуриш учун | 0,016 га | 5 512 200 |
| 7 | Ҳ.Абдуллаев кўчасида дўкон қуриш учун | 0,025 га | 5 122 675 |
| 8 | Ҳ.Абдуллаев ва Рахматуллин кўчалари кесишувида дўкон қуриш учун | 0,024 га | 4 992 012 |
| 9 | «Қорасув-6» мавзеси, Семашко кўчасида автомобиль ювиш шохобчаси қуриш учун | 0,015 га | 602 020 |
| | **Шайхонтоҳур тумани** | | |
| 10 | Лойиҳадаги Г-34,0 м кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун | 0,06 га | 20 679 000 |
| | **Акмал Икромов тумани** | | |
| 11 | Сегизбоев кўчаси, «Чилонзор-23» мавзесида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун | 0,23 га | 6 080 020 |
| 12 | Сегизбоев кўчаси, «Чилонзор-23» мавзесида сартарошхона қуриш учун | 0,02 га | 897 370 |

**Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер майдони бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномасини савдо ўтказилган куни тузилади.**

**Кимошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.**
**Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-410. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 14.15 1 2 3 4 5 6